ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
**ҚАРОРИ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2020 йил “ 29 ” январь №ПҚ–4576 “ ____ ” ______________ 20 г.

**Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида**

Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда чорвачиликка ихтисослашган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, “Паррандасаноат” уюшмаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси ва “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмасининг **Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгашини** (кейинги ўринларда – Республика кенгаши) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ҳамда Республика кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

**чорвачилик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари**, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати корхоналари ҳамда чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи **тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш**;

**чорвачиликнинг барча тармоқлари ва наслчилик соҳасини ривожлантириш** билан боғлиқ масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

**чорвачилик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари** ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг чорвачилик тармоқларини **барқарор ривожлантириш бўйича** белгиланган вазифалар ижроси тўғрисидаги **ҳисоботларини** ҳамда **чорвачилик бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан ахборотларини мунтазам тинглаш**;

**чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**, маҳсулдорликни ошириш ва озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

**чорвачилик хўжаликларига ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилинишини ташкил этиш** ҳамда чорва бош сонидан келиб чиқиб, мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини назорат қилиш;

**чорвачиликнинг барча тармоқлари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш**, илмий-тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларни маҳсулот ишлаб чиқариш ва наслчилик-селекция амалиётига жорий этиш ишларини йўлга қўйиш;

чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, жумладан, **янги қувватларни ишга тушириш ва маҳсулотлар турларини кенгайтириш** билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш;

кадрларни тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ҳисобидан чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик бўйича, шу жумладан чорва комплексларини қуриш, йирик ва майда шохли наслдор чорва молларини харид қилиш, чорва маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган **20 миллиард сўмгача миқдордаги кредитлар бўйича фоиз ставкасининг** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошадиган, **лекин 8 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмига** компенсация ёки кредит суммасининг **50 фоизи миқдорида** кафиллик тақдим этиш;

б) Жамғарма томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига эквиваленти **20 миллиард сўмдан ошмайдиган хорижий валютадаги кредитлар** учун – тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **40 фоизигача, лекин 4 фоиз пунктидан** кўп бўлмаган миқдорда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиш.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу банд талаблари тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Жамғарма томонидан тақдим этиладиган кафилликлар ва компенсацияларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг аввал қабул қилинган ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган шартларига татбиқ этилмайди.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020–2022 йилларда:

а) чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга давлат томонидан қуйидаги тартибда субсидия ажратилади:

республика ҳудудида фаолият юритаётган наслчилик хўжаликларидан сотиб олинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига **1 миллион сўм** миқдорида;

хорижий давлатлардан импорт қилинган наслдор қорамолнинг ҳар бир бошига **2 миллион сўм**, наслдор қўй ва эчкининг ҳар бир бошига **400 минг сўм** миқдорида;

б) "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига аъзо бўлган интенсив усулда балиқ етиштирувчи хўжаликларга давлат томонидан қуйидаги тартибда субсидия ажратилади:

интенсив усулда етиштирилган бир тонна балиқ маҳсулоти учун **1 миллион сўм** миқдорида;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган **1 дона наслдор она балиқнинг 3,5 миллион сўмгача бўлган** харажатларининг **50 фоизи** миқдорида;

в) "Паррандасаноат" уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликларига ҳар бир бош **1 кунлик наслдор жўжани импорт қилиш** билан боғлиқ харажатларнинг **9 минг сўм**ини қоплаш учун давлат томонидан субсидия ажратилади.

4. 2020 йилда сотиб олинадиган наслдор:

а) қорамоллар учун ажратиладиган субсидиянинг умумий суммаси:

республика ҳудудида фаолият юритаётган наслчилик хўжаликларидан сотиб олиш учун **10 миллиард сўм** миқдорида;

хорижий давлатлардан импорт қилиш учун **40 миллиард сўм** миқдорида;

б) қўй ва эчкиларни импорт қилиш учун ажратиладиган субсидиянинг умумий суммаси **6 миллиард сўм** миқдорида белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжаликларга субсидия бериш харажатларини 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланишини таъминласин ва 2021–2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида тегишли маблағ ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) чорвачилик соҳасини ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларини ишлаб чиқиш учун мустақил консалтинг компанияларини ўрнатилган тартибда жалб қилган ҳолда таклифлар ишлаб чиқсин ва **2020 йил 1 июлга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига кўриб чиқиш учун киритсин.

Бунда, мустақил консалтинг компанияларини жалб қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан қоплансин;

б) Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ва “Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда ўн беш кун муддатда мазкур қарорнинг 3-бандида белгиланган чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжаликларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия бериш тартибларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, субсидия бериш “Ўзбекчорванасл” агентлиги томонидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси чорвачилик соҳасини ривожлантириш стратегиясига асосланган ҳолда **2020 йил 1 июлга** қадар 2021–2022 йилларда республикада фаолият юритаётган наслчилик хўжаликлари томонидан сотиладиган ва импорт қилинадиган наслдор қорамоллар, қўй ва эчкилар ҳамда жўжалар сонидан келиб чиқиб, ажратилиши керак бўлган субсидия ҳисоб-китобини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун Молия вазирлигига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда чорвачилик соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ва чора-тадбирларга Осиё тараққиёт банкининг чорвачиликни ривожлантириш учун **150,0 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги кредит маблағлари йўналтирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар сунъий сув ҳавзаларининг ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, ушбу майдонларга ер солиғининг табақалаштирилган ставкаларини қўллаш бўйича асосланган таклифларини Молия вазирлигига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги киритилган таклифлар асосида ер солиғининг табақалаштирилган ставкаларини қўллашни 2021 йил бюджети лойиҳасини тайёрлашда инобатга олсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар балиқ етиштирувчи хўжаликларга бириктирилган сунъий ва табиий сув ҳавзаларининг кадастр ҳужжатларини “Ўздаверлойиҳа” институти билан ўзаро шартнома асосида расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

а) **2020 йилда яйловлар** ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5742-сон Фармонида назарда тутилган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобидан озуқабоп экинларни етиштиришни йўлга қўйиш** учун чорвачилик хўжаликларига ажратиб берилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда **пахта-тўқимачилик кластерлари ва пахтачилик-ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари экин майдонининг 10 фоизига** беда экилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда ушбу топшириқ ижроси юзасидан Республика кенгашига 2020 йил 1 майга қадар ахборот киритсин.

12. Республика кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан чорвачилик, шу жумладан паррандачилик хўжаликларига озуқабоп экинлар экиш учун чорва моллари ва парранда бош сонига мутаносиб равишда экин ерлари ажратилишини доимий равишда назорат қилиб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ходимларини жалб қилган ҳолда жойларда сут соғувчиларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари ва "Паррандасаноат" уюшмаси билан биргаликда паррандаларнинг юқори маҳсулдор зотлари ва кроссларини урчитиш билан шуғулланувчи гўшт йўналишидаги II тартибли репродуктор наслчилик паррандачилик корхоналари фаолиятини йўлга қўйсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва "Uzbekistan Airways" АЖнинг 2022 йил 1 январга қадар "Паррандасаноат" уюшмаси таркибидаги паррандачилик корхоналарига ўзи ишлаб чиқарган тухум ва гўшт маҳсулотларини экспорт қилишда, наслдор инкубацион тухум ва наслдор бир кунлик жўжаларни, вакцина, ветеринария дори воситаларини импорт қилишда, истисно тариқасида, амалдаги ҳаво транспортида ташиш тарифларига нисбатан 20 фоизлик чегирма бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда озуқа экин майдонларидан келиб чиққан ҳолда 2020–2022 йиллар учун озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Тошкент вилояти ҳокимлиги:

10 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент филиалига ўқув-тажриба участкаси учун Янгийўл тумани ҳудудидан 30 гектар;

бир ой муддатда "Ўзбекчорванасл" агентлиги ҳузуридаги "Ўзнаслчилик" давлат корхонасидаги наслдор буқаларни озиқлантириш учун озуқабоп экинлар экишга Қибрай, Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ туманлари ҳудудидан 80 гектар суғориладиган ер майдони ажратилишини таъминласин.

17. "Паррандасаноат" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотларда бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

18. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги "Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–4005-сон қарори 5-бандида белгиланган компенсация бериш тартиби лизинг ташкилотларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

20. Мазкур қарор ижроси юзасидан қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Қўчқоров – мазкур қарорда белгиланган чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжаликларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов – чорва хўжаликларига ер майдонларини ажратишни таъминласин, мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали **ташкил қилсин, ҳар ойда уларнинг бажарган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитсин** ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов – чорвачиликнинг барча тармоқларини, шу жумладан қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик йўналишидаги инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини ҳамда ажратилаётган субсидия маблағларидан самарали фойдаланилишини таъминласин, чорвачилик хўжаликларига маҳсулдорликни оширишга кўмаклашсин, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари – чорвачиликнинг барча тармоқлари, шу жумладан қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва қуёнчилик йўналишида лойиҳаларни амалга оширадиган ташаббускорларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда қонунчиликда белгиланган меъёрлар асосида ер майдонларини ўз вақтида ажратсинлар;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д. Хаджаев – мазкур қарорнинг **мазмун-моҳияти** ва амалий аҳамиятини ёритишга оид **мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар**.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI KANSELYARIYA 1

**Ш.Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 29 январдаги ПҚ–4576-сон қарорига
1-илова

## Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш Республика кенгаши
## ТАРКИБИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | З.Низомиддинов | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, *Кенгаш раиси* |
| 2. | Б.Норқобилов | – | Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, *Кенгаш раиси ўринбосари* |
| 3. | Б.Мавлонов | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департамент раҳбари |
| 4. | Ж.Ходжаев | – | Қишлоқ хўжалиги вазири |
| 5. | А.Эргашев | – | Молия вазирининг ўринбосари |
| 6. | А.Абдуллаев | – | “Давергеодезкадастр” Давлат қўмитаси раиси |
| 7. | Д.Қосимов | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил |
| 8. | А.Қосимов | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси шўъба мудири |
| 9. | Б.Рахматуллаев | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси шўъба мудири |
| 10. | А.Абдуллаев | – | “Ўзбекчорванасл” агентлиги бош директори |
| 11. | Ф.Саломов | – | “Халқ банки” АТ раиси |
| 12. | А.Воитов | – | “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ раиси |
| 13. | Ш.Атабаев | – | “Ипотека банк” АТИБ раиси |
| 14. | *лавозими бўйича* | – | “Микрокредитбанк” АТБ раиси |
| 15. | К.Ирисбекова | – | “Алоқабанк” АТБ раиси |
| 16. | Ф.Бобоев | – | “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси в.б. |
| 17. | А.Хаитов | – | Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси |
| 18. | Н.Юлдашов | – | Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси раиси |
| 19. | О.Мусаев | – | “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси раиси |
| 20. | Я.Абдураззоқов | – | “Паррандасаноат” уюшмаси раиси |
| 21. | Б.Шарипов | – | “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси раиси |
| 22. | Ш.Суяркулов | – | “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси раиси |
| 23. | З.Пирназаров | – | “Ўзбекчорванасл” агентлиги бош директори биринчи ўринбосари, *Кенгаш котиби* |

***Изоҳ**: Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 29 январдаги ПҚ–4576-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4337-сон қарори иловасининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

| Т/р | Маҳсулот номи | Маҳсулотнинг ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| 1. | Тухум, парранда гўшти ва маҳсулотлари* | 0407210000, 0207 |

”

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4015-сон қарори 13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг “Паррандасаноат” уюшмаси таркибидаги паррандачилик ва ем ишлаб чиқарувчи корхоналарига 2022 йил 1 январга қадар ўз эҳтиёжи учун мақсадли равишда озуқа компонентлари ва қўшимчаларини (ТИФ ТН коди 1001, 1005, 1201, 1206, 2304, 2306, 2309, 2835, 2922, 2930) темир йўл орқали ташишда, истисно тариқасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги темир йўллари тариф сиёсатининг 35 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегирма бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин”.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 августдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига вақтинчалик тирик товуқ, товуқ гўшти, тухум ва товуқ маҳсулотлари киритмаслик тўғрисида”ги 188-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 30-31-сон, 236-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига вақтинчалик тирик товуқ, товуқ гўшти, тухум ва товуқ маҳсулотлари киритмаслик тўғрисида” 2005 йил 5 августдаги 188-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 226-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 41-42-сон, 318-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
**ҚАРОРИ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

20 йил “____” ____________ №ПП–4576 “ 29 ” января 2020 г.

**О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли**

В целях ускоренного развития животноводческой отрасли, внедрения современных и инновационных методов, увеличения объема и расширения ассортимента производимой продукции, а также бесперебойного обеспечения населения качественной и доступной животноводческой продукцией, произведенной в местных условиях, государственной поддержки предприятий, специализирующихся на животноводстве:

1. Одобрить предложение Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства, Министерства сельского хозяйства, Министерства экономики и промышленности Республики Узбекистан, Ассоциации «Паррандасаноат», Ассоциации «Узбекбаликсаноат», Республиканской ассоциации «Коракулчилик» и Ассоциации «Узбекистон асаларичилари» о создании **Республиканского совета по развитию животноводства и его отраслей** (далее – Республиканский совет) и утвердить состав Республиканского совета согласно приложению № 1.

Определить основными задачами Республиканского совета:

**обеспечение взаимного сотрудничества органов государственного и хозяйственного управления в области животноводства,** органов государственной власти на местах, предприятий промышленности по переработке животноводческой продукции и **субъектов предпринимательства, занимающихся животноводческой деятельностью;**

регулярное обсуждение вопросов, связанных **с развитием всех отраслей животноводства и племенного дела,** а также определение мер, направленных на решение существующих проблем в данном направлении;

регулярное заслушивание **отчетов руководителей органов государственного и хозяйственного управления в области животноводства,** а также органов государственной власти на местах о реализации установленных задач **по устойчивому развитию** отраслей животноводства, а также **информации** о реализации **инвестиционных проектов в животноводстве;**

**государственную поддержку отраслей животноводства и племенного дела,** разработку мероприятий по повышению продуктивности и развитию семеноводства кормовых культур;

**организацию проведения анализа состояния эффективного использования земельных участков, выделенных животноводческим хозяйствам,** а также осуществление контроля за пропорциональным выделением посевных земель исходя из поголовья скота;

**организацию деятельности всех отраслей животноводства на научной основе,** налаживание деятельности по внедрению результатов научных исследований и инновационных разработок в производство продукции и селекционно-племенную практику;

решение вопросов, связанных с развитием отрасли переработки животноводческой продукции, в том числе связанных с **вводом новых мощностей и расширением ассортимента продукции;**

организацию системной подготовки, повышения квалификации и переподготовки кадров.

2. Согласиться с предложениями Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства и Министерства экономики и промышленности Республики Узбекистан о предоставлении:

а) за счет Государственного фонда поддержки предпринимательской деятельности (далее – Фонд) компенсации в части, превышающей основную ставку Центрального банка Республики Узбекистан, **но не более 8 процентных пунктов, либо гарантии в размере 50 процентов суммы кредитов в размере до 20 миллиардов сумов**, выделяемых коммерческими банками на реализацию проектов в животноводстве, птицеводстве, рыбоводстве и кролиководстве, в том числе строительство животноводческих комплексов, закупку племенного крупного и мелкого рогатого скота, производство и переработку животноводческой продукции;

б) Фондом компенсации субъектам малого бизнеса и предпринимательства на покрытие процентных расходов по кредитам коммерческих банков **до 40 процентов** процентной ставки, установленной коммерческими банками, **но не более 4 процентных пунктов – по кредитам в иностранной валюте в эквиваленте, не превышающем 20 миллиардов сумов**.

Установить, что требования настоящего пункта не распространяются на условия предоставления Фондом гарантий и компенсаций на покрытие процентных расходов по кредитам коммерческих банков, утвержденных ранее принятыми актами Президента Республики Узбекистан и решениями Правительства.

3. Установить порядок, согласно которому в 2020–2022 годах:

а) хозяйствам, производящим животноводческую продукцию, государством выделяются субсидии в следующем порядке:

в размере **1 миллиона сумов** за каждую единицу племенного скота, приобретенного у племенных хозяйств, осуществляющих деятельность на территории республики;

в размере **2 миллионов сумов** за каждую единицу племенного скота, в размере **400 тысяч сумов** за каждую племенную овцу и козу, импортируемых из зарубежных государств;

б) хозяйствам – членам Ассоциации «Узбекбаликсаноат», выращивающим рыбу интенсивным методом, государством выделяются субсидии в следующем порядке:

в размере **1 миллиона сумов** за одну тонну рыбной продукции, выращенной интенсивным способом;

в размере **50 процентов** расходов до **3,5 миллиона сумов за 1 племенное маточное поголовье рыб**, импортированное на территорию Республики Узбекистан;

в) птицеводческим хозяйствам – членам Ассоциации «Паррандасаноат» для компенсации **9 тысяч сумов** расходов, связанных с импортом **каждого однодневного породистого цыпленка.**

4. Установить в 2020 году общую сумму субсидий:

а) выделяемых на закупку племенного скота:

в размере **10 миллиардов сумов** на закупку у племенных хозяйств, осуществляющих деятельность на территории республики;

в размере **40 миллиардов сумов** на импорт из зарубежных государств;

б) выделяемых на импорт племенных овец и коз в размере **6 миллиардов сумов**.

5. Министерству финансов Республики Узбекистан обеспечить покрытие расходов по выделению субсидий хозяйствам, производящим животноводческую продукцию, выращивающим рыбу интенсивным методом, и птицеводческим хозяйствам за счет средств, предусмотренных в республиканском бюджете Республики Узбекистан на 2020 год на расходы по социально-экономическому развитию регионов, согласно поручениям Президента Республики Узбекистан, при этом предусмотреть выделение соответствующих средств в параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2021–2022 годы.

6. Государственному комитету ветеринарии и развития животноводства и Министерству сельского хозяйства Республики Узбекистан:

а) разработать предложения по разработке Стратегии развития животноводческой отрасли, в том числе направлений государственной поддержки данной отрасли, с привлечением в установленном порядке независимых консалтинговых компаний и **в срок до 1 июля 2020 года** внести их на рассмотрение в Администрацию Президента Республики Узбекистан.

При этом расходы, связанные с привлечением независимых консалтинговых компаний, покрыть за счет средств резервного фонда Кабинета Министров Республики Узбекистан;

б) совместно с Министерством финансов, Министерством экономики и промышленности, Государственным таможенным комитетом, Ассоциацией «Узбекбаликсаноат» и Ассоциацией «Паррандасаноат» в пятнадцатидневный срок разработать и внести в Кабинет Министров порядок выделения за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан субсидий хозяйствам, производящим животноводческую продукцию, выращивающим рыбу интенсивным методом, и птицеводческим хозяйствам, предусмотренный в пункте 3 настоящего постановления. При этом выделение субсидий осуществляется Агентством «Узбекчорванасл».

7. Государственному комитету ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан, основываясь на Стратегии развития животноводческой отрасли, **в срок до 1 июля 2020 года** внести в Министерство финансов расчет субсидий, подлежащих выделению в 2021–2022 годах, исходя из численности реализуемого и импортируемого племенными хозяйствами, осуществляющими деятельность на территории республики, племенного скота, овец, коз и цыплят для принятия во внимание при формировании параметров Государственного бюджета Республики Узбекистан.

8. Агентству по реализации проектов в области агропромышленного комплекса и продовольственного обеспечения при Министерстве сельского хозяйства совместно с Государственным комитетом ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан обеспечить направление кредитных средств Азиатского банка развития в размере **150,0 миллионов долларов США,** предусмотренных для развития животноводства, на инвестиционные проекты и мероприятия, реализуемые в животноводческой отрасли.

9. Государственному комитету ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан совместно с Ассоциацией «Узбекбаликсаноат» в срок до 1 мая 2020 года, исходя из производительности искусственных водоемов, внести в Министерство финансов обоснованные предложения по применению к данным площадям дифференцированных ставок земельного налога.

Министерству финансов Республики Узбекистан при подготовке проекта бюджета на 2021 год принять во внимание применение дифференцированных ставок земельного налога на основе внесенных предложений.

10. Государственному комитету Республики Узбекистан по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру совместно с Ассоциацией «Узбекбаликсаноат» в срок до 1 июня 2020 года на основе взаимного соглашения с институтом «Уздаверлойиха» обеспечить оформление кадастровых документов на искусственные и природные водоемы, закрепленные за рыбоводческими хозяйствами.

11. Совету Министров Республики Каракалпакстан и хокимиятам областей:

а) обеспечить в 2020 году выделение животноводческим хозяйствам **пастбищ, а также предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 17 июня 2019 года № УП–5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» орошаемых земель, не используемых в сельском хозяйстве, за счет введения в пользование для организации выращивания кормовых культур;**

б) Государственному комитету ветеринарии и развития животноводства совместно с Государственным комитетом Республики Узбекистан по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру обеспечить засев люцерной **10 процентов посевной площади хлопково-текстильных кластеров и фермерских хозяйств хлопководческого и зерноводческого направления.**

Государственной инспекции по контролю за агропромышленным комплексом при Кабинете Министров Республики Узбекистан совместно с Государственным комитетом по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру и Государственным комитетом ветеринарии и развития животноводства в срок до 1 мая 2020 года внести в Республиканский совет информацию об исполнении настоящего поручения.

12. Республиканскому совету на постоянной основе осуществлять контроль за выделением Советом Министров Республики Каракалпакстан и хокимиятами животноводческим, в том числе птицеводческим хозяйствам посевных земель для посева кормовых культур пропорционально поголовью скота и птицы.

13. Государственному комитету ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан:

организовать на местах краткосрочные учебные курсы по подготовке и повышению квалификации доярок с привлечением работников Центра по подготовке и повышению квалификации кадров при Самаркандском институте ветеринарной медицины;

совместно с Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами Андижанской, Джизакской, Навоийской, Сурхандарьинской, Кашкадарьинской областей и Ассоциацией «Паррандасаноат» наладить деятельность племенных птицеводческих предприятий II порядкового репродуктора мясного направления, занимающихся скрещиванием высокопродуктивных пород и кроссов птицы.

14. Одобрить предложение Министерства транспорта Республики Узбекистан и АО «Uzbekistan Airways» о предоставлении на срок до 1 января 2022 года птицеводческим предприятиям Ассоциации «Паррандасаноат», в порядке исключения, 20-процентной скидки на действующие тарифы на перевозку воздушным транспортом при экспорте яиц и мясной продукции собственного производства, импорте племенных инкубационных яиц, породистых однодневных цыплят, вакцин и ветеринарных лекарственных средств.

15. Министерству сельского хозяйства Республики Узбекистан совместно с Государственным комитетом ветеринарии и развития животноводства, Министерством водного хозяйства, Государственным комитетом по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру в месячный срок, исходя из площадей кормовых культур, разработать и внести на утверждение в Кабинет Министров Республики Узбекистан Программу развития семеноводства кормовых культур на 2020–2022 годы.

16. Хокимияту Ташкентской области обеспечить выделение:

в десятидневный срок 30 гектаров на территории Янгиюльского района для учебно-экспериментального участка Ташкентского филиала Самаркандского института ветеринарной медицины при Государственном комитете ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан;

в месячный срок 80 гектаров орошаемых земельных площадей на территории Кибрайского, Юкоричирчикского и Уртачирчикского районов для посева кормовых культур с целью кормления племенных быков в государственном предприятии «Узнаслчилик» при Агентстве «Узбекчорванасл».

17. Разместить Ассоциацию «Паррандасаноат» в зданиях и сооружениях, принадлежащих Государственному комитету ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан, расположенных по адресу: город Ташкент, Алмазарский район, улица Джами, дом 5, на праве безвозмездного пользования.

18. Установить, что порядок выдачи компенсации, определенный в пункте 5 постановления Президента Республики Узбекистан от 6 ноября 2018 года № ПП–4005 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбоводческой отрасли», распространяется также на лизинговые организации.

19. Внести изменения в некоторые акты Президента Республики Узбекистан и Правительства Республики Узбекистан согласно приложению № 2.

20. Установить следующий порядок контроля за исполнением настоящего постановления:

заместителю Премьер-министра Республики Узбекистан Кучкарову Д.А. – обеспечить выделение субсидий хозяйствам, производящим животноводческую продукцию, выращивающим рыбу интенсивным методом, и птицеводческим хозяйствам, определенных в настоящем постановлении, за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан;

советнику Премьер-Министра Республики Узбекистан по вопросам развития аграрной и продовольственной сфер Вахабову А.Д. – обеспечить выделение земельных участков животноводческим хозяйствам, организовать эффективную деятельность министерств, ведомств и организаций, ответственных за реализацию мероприятий, определенных настоящим постановлением, **ежемесячно заслушивать отчеты о проделанной ими работе**, своевременно устранять выявленные недостатки;

председателю Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан Норкобилову Б.Т. – обеспечить реализацию инвестиционных проектов во всех отраслях животноводства, в том числе в направлении скотоводства, овцеводства, птицеводства, рыбоводства и кролиководства, а также эффективное использование выделяемых средств субсидий, оказывать содействие животноводческим хозяйствам в повышении продуктивности, осуществлять координацию селекционно-племенных работ;

Председателю Совета Министров Республики Каракалпакстан и хокимам областей – оказывать всестороннюю практическую помощь инициаторам реализации проектов во всех отраслях животноводства, в том числе в направлении скотоводства, овцеводства, птицеводства, рыбоводства и кролиководства, своевременно выделять земельные участки по нормам, установленным законодательством;

генеральному директору Национального информационного агентства Узбекистана Кучимову А.К. и исполняющему обязанности председателя Национальной телерадиокомпании Узбекистана Хаджаеву А.Д. – организовать **статьи, брифинги, пресс-конференции, тематические телепередачи** по освещению **сути и содержания**, а также практического значения настоящего постановления.

**Президент**
**Республики Узбекистан** **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

город Ташкент

Приложение № 1
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от 29 января 2020 года № ПП–4576

# СОСТАВ
## Республиканского совета по развитию животноводства и его отраслей

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Низомиддинов З. | – | руководитель Администрации Президента Республики Узбекистан, *председатель Совета* |
| 2. | Норкобилов Б. | – | председатель Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан, *заместитель председателя Совета* |
| 3. | Мавлонов Б. | – | руководитель департамента Администрации Президента Республики Узбекистан |
| 4. | Ходжаев Ж. | – | министр сельского хозяйства Республики Узбекистан |
| 5. | Эргашев А. | – | заместитель министра финансов Республики Узбекистан |
| 6. | Абдуллаев А. | – | председатель Государственного комитета «Госкомгеодезкадастр» |
| 7. | Касымов Д. | – | Уполномоченный при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства |
| 8. | Касымов А. | – | заведующий сектором Администрации Президента Республики Узбекистан |
| 9. | Рахматуллаев Б. | – | заведующий сектором Администрации Президента Республики Узбекистан |
| 10. | Абдуллаев А. | – | генеральный директор Агентства «Узбекчорванасл» |
| 11. | Саломов Ф. | – | председатель АК «Халк банки» |
| 12. | Воитов А. | – | председатель АКБ «Узсаноаткурилишбанк» |
| 13. | Атабаев Ш. | – | председатель АКИБ «Ипотека банк» |
| 14. | *По должности* | – | председатель АКБ «Микрокредитбанк» |
| 15. | Ирисбекова К. | – | председатель АКБ «Алокабанк» |
| 16. | Бобоев Ф. | – | и.о. председателя Ассоциации «Узчармсаноат» |
| 17. | Хаитов А. | – | председатель Совета фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель Узбекистана |
| 18. | Юлдашов Н. | – | председатель Республиканской ассоциации «Коракулчилик» |
| 19. | Мусаев О. | – | председатель Ассоциации «Узбекбаликсаноат» |
| 20. | Абдураззоков Я. | – | председатель Ассоциации «Паррандасаноат» |
| 21. | Шарипов Б. | – | председатель Ассоциации «Узбекипаксаноат» |
| 22. | Суяркулов Ш. | – | председатель Ассоциации «Узбекистон асаларичилари» |
| 23. | Пирназаров З. | – | первый заместитель генерального директора Агентства «Узбекчорванасл», *секретарь Совета* |

***Примечание**: при переходе членов Совета на другую работу в его состав включаются лица, вновь назначенные на эти должности, либо лица, на которых возложено исполнение соответствующих функций.*

Приложение № 2
к постановлению Президента Республики Узбекистан
от 29 января 2020 года № ПП–4576

**Изменения,
вносимые в некоторые акты Президента Республики Узбекистан
и Правительства Республики Узбекистан**

**1.** Пункт 1 приложения к постановлению Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2019 года № ПП–4337 «О мерах по расширению механизмов финансирования и страховой защиты экспортной деятельности» изложить в следующей редакции:

«

| № | Наименование продукции | Код ТН ВЭД продукции |
|---|---|---|
| 1. | Яйца, мясо птицы и птицеводческая продукция* | 0407210000, 0207 |

»

**2.** Пункт 13 постановления Президента Республики Узбекистан от 13 ноября 2018 года № ПП–4015 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию птицеводства» изложить в следующей редакции:

«13. Одобрить предложение Министерства транспорта Республики Узбекистан и АО «Узбекистон темир йуллари» о предоставлении на срок до 1 января 2022 года птицеводческим предприятиям и предприятиям по производству кормов, входящих в состав Ассоциации «Паррандасаноат», в порядке исключения, скидки в размере не более 35 процентов тарифной политики железных дорог Содружества Независимых Государств на железнодорожные перевозки пищевых компонентов и добавок (код ТН ВЭД 1001, 1005, 1201, 1206, 2304, 2306, 2309, 2835, 2922, 2930) с целью удовлетворения собственных нужд».

**3.** Признать утратившим силу постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 5 августа 2005 года № 188 «О временном запрещении ввоза на таможенную территорию Республики Узбекистан живых кур, куриного мяса, яиц и субпродуктов» (СЗ Республики Узбекистан, 2005 г., № 30–31, ст. 236).

**4.** Признать утратившим силу постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 13 октября 2005 года № 226 «О внесении изменения в постановление Кабинета Министров от 5 августа 2005 года № 188 «О временном запрещении ввоза на таможенную территорию Республики Узбекистан живых кур, куриного мяса, яиц и субпродуктов» (СЗ Республики Узбекистан, 2005 г., № 41–42, ст. 318).

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1